**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**“Ўзтрансгаз” АЖ Бошқарув раиси**
**_____________ Б.Нарматов**
**“14” январь 2022 й.**

## "Ўзтрансгаз" АЖнинг коррупция хавф - хатарлари эҳтимоли бўлган лавозимлар Харитаси

| т/р | Коррупцион хатарлар билан боғлиқ бўлган лавозимлар номланиши | Фаолият йўналиши / жараён / лойиҳа | Эҳтимолли коррупцион алоқалар схемасининг қисқача тавсифи | Хатарни баҳолаш (паст, урта, юкори) | Критик нуқта | Критик нуқтада хатарларни қисқартириш бўйича чоралар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | “Комплаенс назорати” бўлими | Ходимга нисбатан ўтказилган хизмат текширувини амалга ошириш | Маълум бир манфаат эвазига хизмат текшируви натижалари бўйича қонунбузилиш ҳолатларига кўз юмишлик | Паст | Амалга оширилган ишлар учун маълум бир моддий манфаат олиш | Ходимга ўтказилган хизмат текшируви хулосалари асосланган хужжатлар (ходим тушунтириш хати, далолатнома, Ишчи гуруҳ хулосаси ва бошқа тегишли хужжатлар) илова қилинган ҳолда “Комплаенс назорат” бўлими бошлиғи томонидан ходим билан шахсан суҳбат ўтказилиб ўрганилади ҳамда ёзма равишда тегишли хулоса билан Жамият бошқарув раисига тақдим қилинади. |
| 2 | “Персонални бошқариш” департаменти | Жамиятда бўш бўлган вакант жойларга фуккароларни ишга қабул қилиш жараёнида | Фукароларни бўш вакант бўлган жойларга моддий манфаатдорлик эвазига ишга қабул қилиш | Ўрта | Моддий рағбатлантириш эвазига вакант лавозимларга шаффоф ва адолатли танлов жараёни бузилиши натижасида жамиятга етарли малакага эга бўлмаган фукароларни ишга қабул қилиниши. | 1. Ишга қабул қилиш жараёнини марказлашган тартибда амалга ошириш ягона электрон тизимни жорий қилиш, бунда қариндош уруғчилик иллатларига бархам бериш, шаффофликка эришиш яъни марказий аппарат томонидан рухсат берилганидан кейин, ишга қабул қилиш ёки бўшатиш мумкунлиги механизмини жорий этиш.<br>2. Коррупция билан қўлга тушиб бўшаган ходимларни қайта ишга қабул қилмаслик механизмини ишлаб чиқиш.<br>3. Жойлардаги вакант иш ўринларини |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 3. Жойлардаги вакант иш ўринларини “Онлайн” тарзда кўриб туриш имконини берувчи дастурни ишлаб чикиш. |
| 3 | “Харидлар ва кооперацион алокалар” департаменти | Жамият эхтиёжлари учун давлат харид жараёнида иштирок этиши | Контрагент ёки унинг вакиллари билан тил бириктирган ҳолда моддий манфаатдорлик эвазига харид жараёнида иштирокчиларга(етказиб берувчилар) амалий ёрдам кўрсатиш. | Ўрта | Рағбатлантириш эвазига шаффоф ва адолатли танлов жараёни бузилиши натижасида “Ўзтрансгаз” АЖга моддий зарари етиши ва сифатсиз маҳсулот харид килиниши. | 1. Харидлар бўйича энг макбул етказиб берувчини Харид комиссияси томонидан умумий йиғилишда танланиши.<br>2. Харидларни махсус онлайн ахборот портали оркали амалга оширилиши.<br>3. Мутахассисларнинг маркетинг изланишлари натижалари харид комиссияси томонидан, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>4. Тендер хужжатлари ва шартномалар Ўзбекистон Республикаси Иктисодий Тараккиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза килиш маркази” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиши.<br>5. Барча хужжатларнинг аудит ва бошка текширувчилар учун архивда сакланиши. |
| 4 | “Метрология” департаменти | Улгуржи истеъмолчиларга тегишли ҳисобдонларни ва уларда мавжуд бўлган технологик ускуналарни кўздан кечириш | Истеъмолчи билан тил бириктирган ҳолда ҳақиқий газ ҳажмини яшириш ёки камайтириш ҳамда ҳужжатларни соҳталаштириш (*ўлчов қурилмаларини логин ва паролини тақдим этиш, тамға ўрнатмаслик ёки уларни атайин нотўғри ўрнатиш).* | Ўрта | Рағбатлантириш эвазига ҳақиқий газ ҳажми (кўрсатгич) ни яшириш | 1. Масъул ходимлар томонидан улгуржи истеъмолчини кўздан кечириш вактида олинган маълумотлар (газ хажми, ЭГХУ ҳолати, архив маълумотлар ва бошкалар) Жамият раисининг тегишли ўринбосарларига тақдим этилади. Ўринбосар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлилни амалга оширади:<br>- Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофик иш олиб бориш.<br>- Таҳлил натижалари бўйича гумон остидаги маълумотларни жойига чиккан ҳолда ўрганиш. |
| 5 | “Ғазначилик ва молия” департаменти | Шартномаларни давлат харидлари ва бошка қонун хужжатларга талабларига амал килмаган ҳолда рўйхатдан ўтказиш. | Шартномага мувофик товар (иш, хизмат) етказиб берувчи билан қонунга хилоф равишда моддий манфаатдорлик эвазига шартномадаги конун бузилиш ҳолатларини яшириш. | Паст | Моддий манфаатдорлик эвазига шартномадаги қонун бузилиш ҳолатларини яшириш. | 1. Департамент раҳбари томонидан шартномаларни танлов асосида мониторинг қилиб бориш.<br>2.Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>3. Ходимни иш фаолиятини таҳлил килиш, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>4. Шартномаларни тузилишини конунчилик талабларига мувофиклигини |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўтказиш бўйича мунтазам ташки аудитдан ўтказиб бориш. |
| | | “Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар учун конунчиликда кўзда тутилган бирламчи хужжатларсиз тўловларни амалга ошириш. | Маълум бир манфаат эвазига тўловларни амалга ошириш учун хужжатларни соҳталаштириш, товар (иш, хизмат) етказиб берувчилардан бирламчи хужжатларни талаб қилмаслик. | Ўрта | Амалга оширилган ишлар учун маълум бир моддий манфаат олиш | 1. Департамент раҳбари томонидан тўловларни амалга оширилишини танлов асосида мониторинг қилиб бориш.<br>2.Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофик иш олиб бориш.<br>3. Ходимни иш фаолиятини таҳлил қилиш, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>4. Тўловларни амалга оширишда инсон омилини камайтириш мақсадида Солиқ сервис дастурий таъминоти ва “1-С:Бухгалтерия” дастурий таъминотини интеграция қилиш |
| 7 | Марказий бухгалтерия | Шартномаларни давлат харидлари ва бошқа қонун хужжатларга талабларига амал қилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказиш. | Бошқа мижозлар билан қонунга хилоф равишда моддий манфаатдорлик эвазига қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқариш.(Моддий қийматликлар ва асосий воситалар ҳисобдан чиқариш) | Паст | Амалга оширилган ишлар учун маълум бир моддий манфаат олиш | 1.Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>2. Ходимни иш фаолиятини таҳлил қилиш, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>3. Далолатномаларни тузилишини конунчилик талабларига мувофиклигини текшириб мунтазам бориш. |
| | | “Ўзтрансгаз” АЖ ҳисобидан тўловларни конунчиликда кўзда тутилган бирламчи хужжатларсиз амалга ошириш.<br>(тўлов сертификати) | Маълум бир манфаат эвазига хужжатларсиз ёки соҳталаштириш, орқали туловларни амалга ошириш. | Ўрта | Амалга оширилган ишлар учун маълум бир моддий манфаат олиш | 1. Департамент раҳбари томонидан тўловларни амалга оширишда бирламчи хужжатларни текшириб бориш асосида мониторинг қилиб бориш.<br>2.Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>3. Тўловларни амалга оширишда инсон омилини камайтириш мақсадида “Банк мижоз” (валюта) тизимини такомиллаштириш. |
| 9 | “Тижорат” департаменти | Улгуржи истеъмолчилар билан “табиий газ етказиб бериш тўғрисида” шартнома тузиш | Шартнома тузиш вактида истеъмолчилар томонидан ходимни рағбатлантирилиши. | Ўрта | Шартнома тузишда инсон омили мавжудлиги | 1. Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>2. Табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тузишни Интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон онлайн шартнома турига ўтказиш йўли билан инсон омилини чеклаш. |

*Ижрочи: Комплаенс-назорати бўлими*
*тел: (71) 202-10-09, 1148*

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**“Ўзтрансгаз” АЖ Бошқарув раиси**
**_______________**
**Б.Нарматов**
**“14” январь 2022 й**

## “Ўзтрансгаз” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш дастури

| № | Ташкилот номи | Коррупциявий хавф-хатарни миниммаллаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими) |
|---|---|---|---|---|---|
| | “Комплаенс назорати” бўлими | Ходимга ўтказилган хизмат текшируви хулосалари асосланган хужжатлар (ходим тушунтириш хати, далолатнома, Ишчи гуруҳ хулосаси ва бошка тегишли хужжатлар) илова қилинган ҳолда “Комплаенс назорат” бўлими бошлиғи томонидан ходим билан шахсан суҳбат ўтказилиб ўрганилади ҳамда ёзма равишда тегишли хулоса билан Жамият бошқарув раисига тақдим қилинади. | Жамият бошқарув раиси томонидан тасдиқланган ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича РЕГЛАМЕНТга асосан олиб борилишини таминлаш. | 2022 йил июнь | С.Мирзамуйдинов |
| | “Персонални бошқариш” департаменти | 1. Ишга қабул қилиш жараёнини марказлашган тартибда амалга ошириш ягона электрон тизимни жорий қилиш, бунда кариндош уруғчилик иллатларига бархам бериш, шаффофликка эришиш яъни марказий аппарат томонидан рухсат берилганидан кейин, ишга қабул қилиш ёки бўшатиш мумкунлиги механизмини жорий этиш.<br>2. Коррупция билан қўлга тушиб бўшаган | Жамият бошқарув раиси томонидан тасдиқланган ишга кабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМАга асосида ишга қабул қилишни амалга ошириш ва вакант иш ўринларини “Онлайн” тарзда кўриб туриш имконини берувчи дастурни яратиш. | 2022 йил сентябрь | Ш.Бобоев<br>С.Мирзамуйдинов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ходимларни қайта ишга қабул қилмаслик механизмини ишлаб чиқиш.<br>3. Жойлардаги вакант иш ўринларини “Онлайн” тарзда кўриб туриш имконини берувчи дастурни ишлаб чиқиш. | | | |
| | “Харидлар ва кооперацион алоқалар” департаменти | 1. Харидлар бўйича энг мақбул етказиб берувчини Харид комиссияси томонидан умумий йиғилишда танланиши.<br>2. Харидларни махсус онлайн ахборот портали орқали амалга оширилиши.<br>3. Мутахассисларнинг маркетинг изланишлари натижалари харид комиссияси томонидан, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>4. Тендер хужжатлари ва шартномалар Ўзбекистон Республикаси Иктисодий Тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиши.<br>5. Барча хужжатларнинг аудит ва бошқа текширувчилар учун архивда сақланиши. | Жамият ихтиёжлари учун Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисидаги қонуни ва Жамият бошқарув раиси томонидан тасдиқланган контрагентларни текширишга оид ЙЎРИҚНОМАга амал қилган ҳолда харидларни амалга ошириш. | 2022 йил июль | Ж.Киргизов<br>С.Мирзамуйдинов |
| | “Метрология” департаменти | 1. Масъул ходимлар томонидан улгуржи истеъмолчини кўздан кечириш вақтида олинган маълумотлар (газ хажми, ЭГХУ ҳолати, архив маълумотлар ва бошқалар) Жамият раисининг тегишли ўринбосарларига тақдим этилади. Ўринбосар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлилни амалга оширади:<br>- Коррупцияга қарши кураш сиёсатига | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январь санасидаги Электир энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга мувофиқ амалга ошириш. | 2022 йил июль | В.Цой<br>С.Мирзамуйдинов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | мувофиқ иш олиб бориш.<br>- Таҳлил натижалари бўйича гумон остидаги маълумотларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш. | | | |
| | “Ғазначилик ва молия” департаменти | 1. Департамент раҳбари томонидан шартномаларни танлов асосида мониторинг қилиб бориш.<br>2.Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>3. Ходимни иш фаолиятини таҳлил қилиш, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>4. Шартномаларни тузилишини қонунчилик талабларига мувофиклигини ўтказиш бўйича мунтазам ташқи аудитдан ўтказиб бориш. | Жамият ихтиёжлари учун Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисидаги қонуни ва Жамият бошқарув раиси томонидан тасдиқланган контрагентларни текширишга оид ЙЎРИҚНОМАга амал қилган ҳолда харидларни амалга ошириш. | 2022 йил сентябрь | С.Камолов<br>С.Мирзамуйдинов |
| | | 1. Департамент раҳбари томонидан тўловларни амалга оширилишини танлов асосида мониторинг қилиб бориш.<br>2.Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>3. Ходимни иш фаолиятини таҳлил қилиш, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>4. Тўловларни амалга ошришда инсон омилини камайтириш мақсадида Солиқ сервис дастурий таъминоти ва “1-С:Бухгалтерия” дастурий таъминотини интеграция қилиш | Солиқ сервис дастурий таъминоти ва “1-С:Бухгалтерия” дастурий таъминотини интеграция қилиш бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш | 2022 йил сентябрь | |
| | Марказий бухгалтерия | Шартномаларни давлат харидлари ва бошқа қонун хужжатларга талабларига амал қилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказиш жараёнида: | Шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисидаги қонунига амал қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш. | 2022 йил ноябрь | А.Хонназаров<br>С.Мирзамуйдинов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 1.Коррупцияга карши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>2. Ходимни иш фаолиятини таҳлил килиш, назорат текширувидан ўтказилиши.<br>3. Далолатномаларни тузилишини конунчилик талабларига мувофиклигини текшириб мунтазам бориш. | | | |
| | | 1. Департамент раҳбари томонидан тўловларни амалга оширишда бирламчи хужжатларни текшириб бориш асосида мониторинг килиб бориш.<br>2.Коррупцияга қарши кураш сиёсатига мувофиқ иш олиб бориш.<br>3. Тўловларни амалга ошришда инсон омилини камайтириш мақсадида “Банк мижоз” (валюта) тизимини такомиллаштириш. | Контрагентларга тўловларни амалга оширишда банк мижоз (валюта) тизимини қайта кўриб чиқиш. | 2022 йил октябрь | |
| | “Тижорат” департаменти | 1. Табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тузишни Интерактив давлат хизматлари портали оркали электрон онлайн шартнома турига ўтказиш йўли билан инсон омилини чеклаш. | Табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тузишни Интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон онлайн шартнома турига ўтказиш чора-тадбирларини амалга ошириш. | 2022 йил октябрь | Р.Туляганов<br>С.Мирзамуйдинов |

*Ижрочи: Комплаенс-назорати бўлими*
*тел: (71) 202-10-09, 1148*